O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 17-AVGUST ■ SESHANBA ■ 96 (27.271) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ





**Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиздаги хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини аёллар манфаатларининг амалдаги ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячисига, биз барпо этаётган эркин фуқаролик жамиятининг том маънодаги узвий бир қисмига айлантириш борасидаги даъвати юртимизда хотин-қизларга бўлган ҳурмат ва катта ишончнинг яна бир ифодасидир.**

**Жойларда Ўзбекистон Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йўналишдаги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалда татбиқ этишга киришилди. Туман, шаҳар ва вилоятлар хотин-қизлар қўмиталари ҳисобот-сайлов конференцияларида ўз фаолиятини танқидий таҳлил этар экан, ана шу дастуриламал ҳужжатлар тимсолида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, оиладаги, жамиятдаги ҳамда давлат қурилиши соҳасидаги вазифаларни бажаришдаги ролини янада ошириш масалаларини кенг муҳокама қилди.**

**14 август куни пойтахтимизда Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан сайланган делегатлар — Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Олий Мажлис депутатлари, олималар, муаллималар, шифокорлар, тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа кўплаб соҳаларда жонбозлик кўрсатаётган фаол аёллар вакиллари иштирок этдилар.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз хотин-қизларининг республика конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, бугунги кунда юртимиз аёллари оилада тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларини сабр-тоқат, оқилалик билан ҳал этиш, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш билан бирга, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, жамиятимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида фаол қатнашаётирлар.

Хотин-қизлар турли соҳаларда эркаклар қатори меҳнат ва ижод, бунёдкорлик юмушлари билан машғул. Айниқса, таълим, маданият, санъат, илм-фан, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот тизимларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар орасида аёлларимизнинг улуши салмоқлидир. Улар қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва алоқа, савдо, молия, кредит, суғурта каби бошқа кўплаб соҳаларда ҳам самарали меҳнат қилмоқда.

Республика Хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти аёлларимизнинг жамиятда тутган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мавқеини оширишга, уларнинг маънавий-маърифий ўсишини таъминлаш истиқболларига қаратилди. Бу ишларни амалга оширишда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги, оиладаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича қабул қилинган Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, давлат дастурлари катта аҳамият касб этди ҳамда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Шу билан бирга, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган анжуманда қайд этилганидек, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолиятида қатор камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Улар асосан кўрсатма бериш усулида фаолият юритгани оқибатида қўмиталар фаоллари билан оддий хотин-қизлар, узоқ қишлоқлардаги меҳнаткаш аёллар, қизлар ўртасида узилиш, бўшлиқ юзаға келди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий муаммолари ва манфаатлари кўпинча тегишли қўмиталарнинг эътиборидан четда қолган.

Хотин-қизларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишда фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги фаол аёлларнинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмади.

Конференцияда кўтарилган бундай муаммо ва камчиликларнинг олдини олиш ва ҳал этиш, Президент Фармони ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш бўйича Республика Хотин-қизлар қўмитасининг Ҳаракат дастурлари билдирилган амалий таклифлар билан тўлдирилган ҳолда қабул қилинди. Ушбу Ҳаракат дастурлари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларни иш билан таъминлаш ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш соҳаларига йўналтирилган.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизлар соғлиғини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ишлардан беҳад мамнун эканликларини таъкидладилар ва Юртбошимизга миннатдорлик билдирдилар. Бу соҳадаги бетимсол ишлар, янгиланишлар нафақат давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келаётгани, айни чоғда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани қайд қилинди. Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов мамлакатимизда аёлга эътибор азалий қадриятларимиз ва умуминсоний андозалар билан узвий боғлиқ экани, мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва мавқеи изчил юксалгани хусусида сўзлади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг янги Устави лойиҳаси муҳокама этилди ва қабул қилинди.

Конференцияда республика Хотин-қизлар қўмитаси бошқаруви аъзолари ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Светлана Иномова Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

**Суратларда:**
анжумандан лавҳалар.

**Сарвар ЎРМОНОВ
(ЎзА) олган суратлар**




# БОКСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ




Бугун барчанинг нигоҳи Греция пойтахти Афинага қаратилган. Бу ерда ўтказилаётган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларида ер юзининг 202 давлатидан ўн олти мингдан ошиқ спортчи ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.



Кеча мусобақанинг учинчи кун баҳслари поёнига етди. Режага мувофиқ, дастлабки кунларда Олимпиада дастуридан жой олган сузиш, тўппонча ва милтиқдан ўқ отиш, велоспорт (яккалик), дзюдо (айрим вазнлар) сингари турлар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Академик эшкак эшиш спорт тури бўйича тўрт нафар ҳамюртимиз Афина олимпиадасига йўлланмаларни қўлга киритганди. Аммо саралаш босқичини муваффақиятли якунлаш фақатгина бир спортчимизга насиб этди. Яккалик баҳсларида бор маҳоратини ишга солган Владимир Черненко учинчи натижани кўрсатиб, финал босқичига йўлланма олди — 7:38.27.

Шунингдек, милтиқдан отиш бўйича Вячеслав Скоромнов ҳам саралаш босқичида 18-ўринни эгаллаб, медаллар учун курашадиган бўлди. Аёллар ўртасида ўтган мусобақада эса Алёна Аксёнова кейинги босқичга чиқа олмади.

Академик эшкак эшиш бўйича жуфтлик баҳсларида Руслан Наурзалиев ва Сергей Богданов ҳам иккинчи босқичга йўлланма олди.

Олимпиада ўйинларининг иккинчи кунида баҳсларга киришган «чарм қўлқоп» усталаримиз ўз мухлисларини қувонтирди. Хабарингиз бор, ушбу нуфузли мусобақада тўққиз нафар боксчимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Дастлаб 75 кг. вазн тоифасида ҳамюртимиз Шерзод Абдураҳмонов рингга чиқди. Туркиялик Сердар Устунерга қарши муносиб жанг ўтказган вакилимиз катта устунлик билан ғалаба қозонди — 36:17. Энди Шерзод 1/8 финалда Россиянинг етакчи боксчиларидан бири Гайдарбек Гайдарбековга қарши рингга чиқади.

Шерзод Ҳусанов (69 кг.гача) эса венесуэлалик Прада Жон Кариосни 33:20 ҳисобида енгди.

Жаҳон ва Осиё чемпиони, Яхши ният ўйинлари совриндори Ўткирбек Ҳайдаров (81 кг.) ҳам дастлабки учрашувда зафар қучди. У 1/16 финалда нигериялик Айзек Экпо билан куч синашди. Энди навбатдаги босқичда Ўткирбек жазоирлик Абдельхани Кензига қарши жанг ўтказади.

Кеча кечқурун боксчиларимиздан Баҳодиржон Султонов (56 кг.) ҳамда Дилшод Маҳмудов (64 кг.)лар дастлабки баҳсларни ўтказди.

✧✧✧

**Суратларда:**
мусобақалардан лавҳалар.



# ЕРГА МУНОСАБАТ — ЭЛ-ЮРТГА МУНОСАБАТ

**Олис мозий қатлари ибратли ҳикоятларга тўла. Ҳоқонлардан бири ҳақида шундай ривоят қиладилар. Душман ҳоқонни урушга тортиш учун баҳона излайди. Шу боис даставвал унинг бир соатда минг фарсах йўл босадиган учқур тулпорини сўрабди. Ҳоқон машварат чақирибди, урушнинг даҳшатли оқибатларидан кўра севган отидан ажралмоқни афзал билибди. Душман эса энди ҳоқондан маълум миқдорда бойлик талаб қилибди.**

**Ҳукмдор жами беклари, қўшин бошлиқларининг даъватига қарамай, урушга рухсат этмабди. Душман тарафдан яна элчилар келибди. Бу гал улар унумсиз, яйдоқ, қақроқ бир парча ерни сўрабди. Машварат аҳли шу яроқсиз ерни бериш билан мамлакат бир нарса бўлиб қолмаслигини айтган экан, хон ларзага келибди: «Шу қақроқ ер — Ватаннинг азиз парчаси, у бизнинггина мулкимиз эмас. Мозорда ётган ота-оналаримизнинг, қиёматга қадар туғиладиган набираларимизнинг бу муқаддас тупроқда ҳақлари бордир. Ватан заминидан — бир қарич бўлсин — бермоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. От ҳам, бойлик ҳам топилади. Аммо Ватан топилмайди, у битта, ягона. Шу боис энди урушамиз. Бошқа чора йўқ!»**

Ҳа, ер, замин, тупроқ — азалдан халқимиз учун табаррук неъмат ҳисобланади. У бизни едиради, ичиради, фаровон турмуш кечиришимиз учун моддий негиз яратади. Донолар айтганидек, «сен ерни боқсанг, ер сени боқади».

Минтақамизда ер тўрт илоҳий ва муқаддас унсурдан бири сифатида — ҳаво, сув ва олов қаторида қадимдан эъзозлаб келинган.

Бобо-момоларимиз шўх-чақмоқ набиранинг ҳар қанча шўхлигига чидаб, тоқат қилиши мумкин, аммо суюкли ва эрка дилбанди митти оёқчалари билан ерни топтаб сабаб-бесабаб харҳаша бошлаганида, сабр косаси тўлиб, қатъий ва насиҳатомуз оҳангда «Ерни тепма!», дея дакки беришларига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Ерга ҳурмат-эҳтиром туйғуси бизнинг қонимизда, тафаккуримизда, таълим-тарбиямизда мужассам эканидан бир нишонадир бу.

Афсуски, охирги юз йилликда аждодларимизнинг табиатдан, ердан фойдаланиш соҳасидаги ана шу анъанавий одоб-ахлоқ қоидалари бир қадар унутиб юборилди. Бунда собиқ совет тузумининг турли сохта ва пуч шиорлари «катта хизмат» қилгани сир эмас.

Ердан фойдаланишнинг шўроча механизмига кўра инсон ердан амалда бутунлай ажратиб қўйилганди. Деҳқон далада эртадан-кечгача оғир меҳнат қилиб, пешона терини тўкаверар, аммо бу меҳнат маҳсули ўз мулки, ўзи эса мулкдор эканлигини мутлақо ҳис қилмасди. Зотан, бу мумкин ҳам, шарт ҳам эмасди-да!

Ер ташвишини чексанг чекавер, аммо қайғурмасанг ҳам зиёни йўқ. Негаки, ер — давлатники, демак, ҳеч кимники. Худди шу даврда республикамиз ва умуман, минтақамиз бошига ёғилган турли экологик фожиалар ерга муносабат борасидаги нотўғри сиёсатнинг ҳам аянчли оқибатидир, десак янглишмаган бўламиз.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз Ислом Каримов юртимиз истиқболи, халқимиз келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қандай ташкил этилишига боғлиқ экани ҳақидаги ғояни илгари сурди. Озод мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида асосий бойлигимиз — ерга муносабатни ўзгартириш етакчи йўналиш этиб белгиланди.

Истиқлол йилларида қабул қилинган бир қатор қонунларда, Президент фармонларида, ҳукумат қарорларида қишлоқ хўжалигида ишларни қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш кераклиги пухта ва аниқ кўрсатиб берилди. Конституциямизда ер умуммиллий бойлик ва давлат муҳофазасида экани, ердан оқилона фойдаланиш зарурлиги ёзиб қўйилган. Шу асосда қабул қилинган Ер кодексида халқимиз ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ердан самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишга қаратилган муҳим принциплар мустаҳкамланди.

Ушбу ҳуқуқий негизга таянган ҳолда мамлакатимизда ширкат ва фермер хўжаликлари, оилавий пудрат, пайчилик асосида ишлаш каби мулкчиликнинг янги ҳамда самарадор шакллари кенг жорий этилаётир.

2-3-бетлар

# ТЕРРОРИЗМ — ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

Терроризмнинг нима эканлиги, бу иллатнинг оқибатларини мамлакатимизнинг фуқаролари бугун жуда яхши тушунишади. Зотан, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугунги шароит барчамиздан янада сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Албатта, бунда жамоат ташкилотларининг, маҳаллалар фаолларининг роли алоҳида аҳамият касб этади.

Куни-кеча Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги Мирзо Улуғбек номли маҳаллада бўлиб ўтган тадбирда ҳам ана шу масъулият, вазифалар ҳақида фикр алмашинилди.

«Терроризм — тараққиёт душмани» мавзуидаги мазкур тадбирни маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зиёвуддин Абзалов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов маҳалла фуқароларига терроризм балосининг тараққиётимизга қанчалик тўсқинлик қилиши, унга қарши ҳар биримиз кураш олиб боришимиз лозимлиги, айниқса ёшларни бу иллатга кириб қолишининг олдини олиш, хусусан уларни қаерга бориши, ким билан дўстлашиши билан фақатгина ота-она эмас, маҳалла-кўй ҳам қизиқиши кераклиги ҳақида гапирди.

ХДП раҳбари, шунингдек, Олий Мажлиснинг навбатдаги XV сессияси муҳокамасига киритилаётган масалалар, икки палатали парламент тизими ҳамда ЎзХДПнинг сиёсий, маданий-маърифий йўналишда амалга ошираётган ишлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Юнусобод туман бош имом хатиби Абдуқодир Ҳайдаров йиғилганларга террорчилик ҳаракатларининг катта гуноҳлиги, бу ишларни амалга оширганлар динни ниқоб қилиб олгани, уларнинг амаллари ислом динига мутлақо тескари эканлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Мулоқот давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Тадбирда Юнусобод туман партия кенгаши биринчи котиби У.Шоймуқулов иштирок этди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# ЭЛГА ЯРАШГАН ҲАШАР

14-15 август кунлари республикамизнинг барча гўшалари сингари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашари юксак самаралар берди.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 13 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш, турар жой, маҳалла ва гузарларни, майдон ҳамда хиёбонларни ободонлаштириш, шаҳардаги санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш мақсадида ташкил этилган мазкур оммавий тадбирга фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилот ва муассасалар ходимлари, талаба ва ўқитувчилар — жами 900 мингга яқин фуқаро жалб этилди. Барча шаклдаги мулкчилик субъектлари томонидан бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағ «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлимларининг банклардаги жорий ҳисоб рақамларига ўтказилди. Мазкур маблағ маҳаллаларни ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига кўмак бериш ва маҳаллаларда оммавий спортни ривожлантириш, чунончи, «Меҳр ва мурувват йили» дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга йўналтирилади.

Ҳашарчилар томонидан 854,7 гектар майдон, шу жумладан, 99 та зиёратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилди. 3.146,4 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари шаҳар ташқарисига олиб чиқилди. 418.526 метр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди. 241.832 туп дов-дарахтларга шакл берилди, оқланди. 649 та уй-жой ҳашар йўли билан таъмирланди. 22.826.000 сўм маблағ муҳтожларга мурувват ёрдами сифатида тарқатилди.

**Баҳодир АЗИЗОВ**

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

**ХДП ташкилотлари конференциялари**

# ИНТИЗОМ, ТАЛАБЧАНЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

## Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилотининг IV конференцияси бўлиб ўтди

Унда Республика партия кенгашининг биринчи котиби Атаулла Асановнинг «Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида ХДП ташкилотларининг тутган ўрни» мавзусидаги маърузаси тингланди. Маърузада ўтган 5 йилда амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар билан бирга режалаштирилган баъзи ишларнинг амалга оширилмаганлиги сабаблари чуқур таҳлил қилинди.

Ҳисобот даврида партия аъзолари сони 8 минг кишига кўпайди. Иккита шаҳар, 14 туман, 754 бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотларига бирлашган Ўзбекистон ХДП аъзолари халқ хўжалигининг барча жабҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар иштирокида иқтисодий ислоҳотлар саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалигида давом эттирилмоқда, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ривожланаётир. Бироқ, Амударё сувининг ҳаддан ташқари камайиб кетганлиги боис Орол денгизининг қуриб боришидан пайдо бўлган оғир экологик муҳитнинг марказида яшаётган Қорақалпоғистон аҳолиси кўп қийинчиликларни бошидан ўтказмоқда. Бу муаммоларнинг салбий оқибатларини ҳисобга олиб, Марказий Кенгаш партиянинг Экологик дастурини қабул қилди. Шундан кейин Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимлари, касаба уюшмалари кенгаши билан биргаликда республика халқига мурожаат қабул қилди. Шу асосда шаҳар ва туманлар кенгашлари, бошланғич ва ҳудудий партия ташкилотлари, ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари, «Энг яхши маҳалла», «Энг намунали кўча», «Энг намунали оила» кўрик танловлари ташкил этилди.

Ўзбекистон ХДПдан номзодлари кўрсатилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига 21, халқ депутатлари туман ва шаҳарлар Кенгашларига 171 нафар депутат сайланди. Маҳаллий Кенгашлар тизимида Қонликўл ва Қораўзак туманлари ташкилотларининг вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ХДП фракцияси, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги гуруҳлари орқали партиямизнинг дастурий ғояларини бажаришга ҳаракат қилиб келинмоқда.

Партия кенгашларининг пленумлари, ижроия бюроси мажлислари, умумий партия йиғилишларида депутатларнинг ахборотлари тингланиб, тажрибалари ўрганилди, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Партия ташкилотлари депутатлар қабулхоналари ҳамда депутатларнинг сайловчилар билан мунтазам учрашувларини ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқда. Ўзбекистон ХДПдан сайланган Жўқорғи Кенгес депутатлари 5 йилда 6600 фуқарони қабул қилди, улар кўтарган масалаларнинг 80 фоизи ижобий ҳал этилди. Сайловчилар олдида Жўқорғи Кенгес депутатлари 150 марта, маҳаллий Кенгашлар депутатлари 1250 марта ҳисоб беришди. Депутатлар ўзларининг сайлов округларида жойлашган шифохоналар, мактаблар, болалар боғчаларини таъмирлаш, моддий-техник жиҳатдан мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Партия кенгашларининг хомийлар топиб, уларнинг маблағларини ижтимоий соҳага йўналтириши ўзининг яхши самарасини бермоқда. Тахиатош шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар партия ташкилоти ташаббуси билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар учун 10 та турар жой қурилишига ёрдам берилди. Партия ташкилоти аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиб, мактабларни таъмирлаш, дарсликлар, ўқув қуроллари олиш, касалхоналарни жиҳозлаш, спорт майдончаларини кўпайтириш, янги иш жойларини бунёд қилиш, экологик муҳитни яхшилаш борасида талай ишларни амалга оширди.

Маърузачи ва мунозараларда сўзга чиққанлар ташкилот Ўзбекистон ХДП дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш билан бир қаторда газ, сув, электр энергияси ва бошқа коммунал хизматлар нархларининг сурункали ошаётганлигини танқид қилдилар. Тарифларнинг жуда тез ўсиб бораётганлиги аҳоли даромадларининг ўсиши даражасидан ошиб кетаяпти.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни ислоҳотларсиз амалга ошириш мумкин эмас. Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ бу масалага жиддий эътибор қаратган эди. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури қабул қилинди. Уни амалга оширишда ХДП аъзоларининг ҳам муносиб улушлари бор. Фаолларимиз, депутатларимиз мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни таъмирлаш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш масалалари билан шуғулланиб келмоқда.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика ташкилоти хотин-қизларнинг жамиятдаги, оиладаги ролини оширишга, ёшлар тарбияси муаммоларига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Партия турмуши — амалий жараён. Партия ташкилотларининг амалий ишлари кўп бўлсада улар тўғрисидаги ахборотларни халққа етказиш ишлари кўнгилдагидек эмас. Айрим бошқа партияларнинг бажараётган ишлари оз бўлса ҳам ОАВ уларнинг довруғини ошириш учун тиришиб ҳаракат қилмоқдалар. Бунга жавобан ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир партия аъзоси Марказий Кенгашнинг VII пленуми қарорлари асосида ўз имкониятларидан тўла фойдаланиши зарур. Шунинг учун айрим ХДПнинг бўғинларида интизомни мустаҳкамлашимиз ва бошқа жамоат ташкилотлари билан алоқаларимизни ривожлантиришимиз керак.

Бу йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлади. Партия ташкилотларининг масъулияти янада ортади. Шу муносабат билан республика партия ташкилотининг конференциясида сайловларга оид кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар белгиланди.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов сўзга чиқди, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ўринбосари Г.Ражабов иштирок этди.

• • •

**Шу куни Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда Атаулла Асанов Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг биринчи котиби этиб қайта сайланди.**

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# ЕРГА МУНОСАБАТ —

(Давоми. Боши 1-бетда.)

1

Ернинг унумдорлигини ошириш учун, аввало, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ишлари устувор мақсад деб қаралмоқда. Қишлоқ хўжалигини замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш асносида, уларнинг ишлаб чиқариш имконияти ва сифати деҳқонларимизни қониқтирадиган даражада бўлишига жиддий эътибор беріляпти. Бу борадаги кенг кўламли ислоҳот босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда Ўзбекистон дунёдаги муҳим стратегик маҳсулот — пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси сифатидаги ўрни ва нуфузини янада юксалтирди.

Шунинг баробарида, ғалла мустақиллигини қўлга киритдик. Мана, неча йилдирки, омборларимизда — ўз донимиз, тандирларимизда — ўз нонимиз. Юртимиз мева-сабзовот маҳсулотлари, узум, пилла, қоракўл тери, жун етиштириш бўйича МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринда турибди.

Бу — истиқлол йилларида юртимиз тупроғининг ноёб даражада унумдорлик хусусияти қудратли агросаноат салоҳиятига эга мамлакат сифатида намоён бўлишимиз имконини берганидан яққол далолатдир. **Давлатимиз раҳбари лутф этганидек, дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ.**

Айни чоғда, ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажагини белгилаб берадиган омил ҳам экани юртимизда яққол намоён бўлмоқда. Чунки ернинг иқтисодий ва демографик вазифаси йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Ислом Каримовнинг «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида» китобида қайд этилишича, республикамизнинг 447,4 минг квадрат километрдан ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 фоизигина экин майдонлари ташкил этади. Бизда аҳолининг ўсиши нисбатан юқори бўлиб, урбанизация ва ҳосилдор ерларни шаҳарларни ривожлантиришга, уй-жой қурилишига, янги корхоналар, муҳандислик ҳамда транспорт коммуникациялари тармоғини барпо этишга ажратиб бериш жараёнлари жадал бормоқда.

Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, ер заҳиралари билан таъминланиш муаммоси кескинлашиши мумкин. Боз устига, XX аср охирида ернинг табиий равишда чўлга айланиши етмаганидек, одамларнинг муносабати туфайли чўлга айланиб бориш жараёни ҳам давом этмоқда. Табиий муҳитнинг ёмонлашуви билан бирга, тупроқ нураши, шўрланиши, ер усти ва ер ости сувларининг сатҳи пасайиши ва бошқа шу каби салбий ҳодисаларнинг рўй бериши ҳам ер билан боғлиқ муаммоларни янада кучайтирмоқда.

Хўш, ердан оқилона ва унумли фойдаланиш, уни асраб-авайлаш, халқимиз онгу шуурига ерга нисбатан мулкчиликнинг янги шакллари моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ сингдириш, фермерларимизга қонуний асосларда ер ажратиб бериш борасида бугун жойларда амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи қандай? Бизга ҳаётимиз фаровонлигини таъмин этиш учун омонатга берилган, келгуси авлодларимизнинг ҳам ҳақ-насибаси бўлган ердан қанчалик мақсадга муносиб тарзда фойдалана олаяпмиз? Афсуски, баъзи ҳолларда омонатга хиёнат қилиш, демакки, жиноятга қўл уриш ҳоллари учрамоқда.

2

Президентимиз айни мавзунинг нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканига барча раҳбар ва мутасаддиларнинг, умуман, жамоатчилигимизнинг эътиборини мунтазам жалб этиб келмоқда. Жорий йилда бўлиб ўтган халқ депутатлари Андижон, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги Юртбошимизнинг маърузалари бунинг ёрқин мисолидир.

Вилоятда собиқ раҳбар халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида йўл қўйган камчилик ва нуқсонлар қатори, мавжуд ер ресурсларини мақсадга зид равишда ишлатиш ҳолларига панжа орасидан қарагани атрофлича танқидий таҳлил этилди. Ердан ноқонуний фойдаланиш, уни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа моддий бойликларни талон-торож қилиш айнан кимлар томонидан ва қанча миқдорда содир этилгани, бундай ғайриқонуний ҳаракатларнинг замирида қандай қинғир ниятлар ётганлиги очиқ-ошкора айтилди.

**Ислом Каримов уқтирганидек, биз ўзимизнинг буюк мақсад муддаоларимизга етмоқчи эканмиз, бу нуқсонларни, аввало, ўзимиз аниқлаб, уларни бартараф этишимиз керак. Бундай ҳолатларни бекитиш, сир тутишга уриниш кимнидир эмас, аввало, ўзимизни алдаш демакдир.**

Бугунги кунда мамлакатимизда ерда меҳнат қилиб оиламни боқаман, ўз ишимни очиб, элюртга ҳам фойда келтираман, деган ният билан юрган айрим фермер ва тадбиркорлар турли идоралар эшигида сарсон бўлаётгани ҳолда, баъзи раҳбарлар ер ресурсларини мақсадга зид равишда ишлатиш ва талон-торож қилиш ҳолларини кўриб-кўрмасликка олаётгани, баъзан эса бундай бемазагарчиликларнинг бошида ўзлари тургани билан боғлиқ ҳолатлар тез-тез учрамоқда.

**Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**





*Суратларда:* *уста Салоҳиддин Каримов шогирди Шуҳрат Фозилов билан ўзлари ясаган стулларни кўздан кечирмоқда; моҳир тикувчи Дилноза Бобоева; тайёр маҳсулотлар.*

## ЗАМОНАВИЙ, СИФАТЛИ, БЕЖИРИМ

*«Аюб» кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган мебеллар ва тикилаётган кийим-кечакларга нафақат Олтинкўл туманида, балки Андижоннинг ҳамма жойида ҳам талаб катта. Тадбиркор Абдуқаҳҳор Муҳаммедовнинг кичик корхона очиб, мебель ва кийим-кечак ишлаб чиқараётганига бир йилдан ошди. Айни пайтда 40 нафар киши меҳнат қилаётган корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар замонавий, сифатли ва бежиримлиги билан харидорларга маъқул бўлаётир.*







Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

# ЯНАДА ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР БЎЛАЙЛИК!

## Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят ташкилоти III конференциясида бу алоҳида таъкидланди

Дарвоқе, ҳозирги шиддаткор давр, қолаверса, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар талаби ҳам шу. Зеро, ислоҳотлар замирида инсон ва унинг манфаатлари, бахт-саодати ётади. Шундай экан, ҳар биримиз янгича фикрлашимиз, сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмасликни ўрганишимиз даркор. Ўз сафларига ўттиз мингдан зиёд аъзони бирлаштирган ЎзХДП Бухоро вилоят ташкилоти ана шу мақсад моҳиятини англаган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Хўш, ҳисобот даврида республикада ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган партиянинг вилоят ташкилоти нималарга эришди, қандай нуқсонларга йўл қўйди. Бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари қандай бормоқда? Конференцияда ана шу масалалар атрофлича таҳлил қилинди. Ҳисобот маърузасида вилоят партия кенгаши биринчи котиби Жалолиддин Нуруллаев ютуқларга урғу бермасдан, йўл қўйилган хатолар, амалга оширилмай қолган ишлар ҳақида гапирди.

— Очиғини айтадиган бўлсак, — деди маърузачи, — муваффақиятлардан кўра муаммо ва камчиликларимиз кўпроқ тош босади. Ортда қолган беш йиллик партиямиз фаолиятида муҳим аҳамият касб этган бўлсада, айрим бошланғич ташкилотлар ҳалигача эскича иш услубидан халос бўлишгани йўқ. Улар мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини ошириш, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш учун кураш бораётган ҳозирги жараёнда халқ ичига унчалик кириб бораётганлари йўқ. Вилоят кенгаши ҳам режалаб қўйган барча мақсад ва вазифаларга ҳамиша ҳам тўлиқ эриша олмаяпти...

Ҳисобот даврида вилоят партия кенгашининг 8 та пленуми, ижроия бюронинг 19 та йиғилиши ўтказилди. Уларда партиянинг вилоятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, кўппартиявийлик шароитида сиёсий майдонда муҳим ўринга эга бўлиш, парламентчилик фаолияти, партия ички интизоми, юқори ташкилот қарорлари ижросини таъминлаш каби қатор масалалар кўриб чиқилди. Аммо, қабул қилинган қарорлар ижроси тўлиқ таъминланди деб бўлмайди.

Бугун Бухорода Олий Мажлиснинг 6, вилоят Кенгашининг 17 нафар депутати фаолият кўрсатмоқда. Вилоят бўйича ХДПдан сайланган барча даражадаги депутатларнинг 67 та қабулхонаси ташкил этилган. Жорий йилнинг биринчи ярмида 1,5 мингга яқин сайловчи депутатлар томонидан қабул қилинган. Бироқ депутатларнинг айримлари бирор марта ҳам ўз сайловчилари олдида ҳисоб бермади. Шу боис сайловчиларнинг ҳақли эътирозлари юзага келди. Бунга ҳам Олий Мажлис, ҳам маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолияти мисол бўла олади. Бухоро халқаро аэропорти директори, Олий Мажлис депутати Тоҳир Бахроновни нима учун сайловчилар ҳурмат қилади? Чунки у ҳеч қачон сайловчиларини эсдан чиқаргани йўқ. Сайлов округидаги қабулхонада бўлишга, ҳар бир оила, фуқаро аҳволидан хабар олишга, Олий Мажлиснинг ҳар бир сессиясидан сўнг унинг якунлари хусусида сайловчиларга гапириб беришга имкон топади. Қолганлар-чи? Айрим депутатларнинг ўз округларини «унутиб» қўйишгани партия ташкилотини бўлажак сайловларда янада ҳушёрроқ бўлишга ундаши керак.

Ҳисобот даврида ХДПга қабул қилиш, унинг бошланғич ташкилотларини кўпайтириш ёш аъзолар билан ишлаш, хотин-қизлар фаоллигини ошириш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик борасида қатор ютуқларга эришилган. Аммо, Ромитан туманида рўй берган нохуш ҳолат диний экстремизмга қарши курашда сусткашлик борлигини, лоқайдликка барҳам бериш зарурлигини кўрсатди. Бошланғич партия ташкилотлари, уларнинг етакчилари жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда туриб, аҳоли ўртасида кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришлари зарур.

**Шамсиддин САИДАҲМЕДОВ, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи директори:**

— Биз ЎзХДПни мустаҳкам кучга эга сиёсий ташкилот сифатида биламиз. Шундай бўлса-да, унинг сафини ёшлар ҳисобига тўлдириб боришимиз даркор. Корхонамизда сафимиз торлигидан хижолатдаман. Шуни ҳисобга олиб, ёшларга партиямиз ғояси ва мақсадини тушунтириш ишини янада жонлантирамиз. Шунда кўппартиявийлик шароитида қўлимиз баланд бўлади. Яна бир гап. Партиямиз нашрлари фаол сафдошларимиз, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада кенгроқ ёритишини истардик.

**Тоҳир БАҲРОНОВ, Бухоро халқаро аэропорти директори, Олий Мажлис депутати:**

— Депутат сифатида фаолиятимдан қониқмайман. Чунки, амалга оширган ишларим, сессиялардаги чиқишларим йўлаб қарасам ҳали кам экан. Афсуски, ваколатимиз охирлаб қолди. Хулосам шуки, депутат фидойиларнинг фидойиси бўлиши керак. Бўлажак сайловларда бунга алоҳида эътибор беришимиз зарур. Номзодларни танлашда адашмайлик.

**Рашид ОЧИЛОВ, Қоракўл туман ҳокимлиги Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи:**

Давр ўзгарди. Биз демократик жамият сари боряпмиз. Шу боис ҳар биримиз фаол бўлишимиз, партиямиз эса мўртлик ва заифликдан ҳоли бўлиши керак. Шу йилнинг охирларида ўтадиган сайловда аниқ ва теран дастур билан қатнашсаккина парламентда кўпчилик ўринни эгаллаймиз.

**Саида ЖЎРАЕВА, Бухоро туман партия кенгашининг биринчи котиби:**

— Партия сафини оширишда сон кетидан қувмайлик. Айримлар бошқа партияга ўтиб кетишди. Майли улардан вақтида ҳоли бўлганимиз маъқул. Қанчалик босиқ, соф сафда турсак, шунчалик яхши. Ҳали сайловолди ишларимиз кўп. Ҳамжиҳатлигимиз, фаоллигинимизни халққа кўрсатишимиз ҳар қачонгидан ҳам зарур.

**Толиб АВЕЗОВ, Вобкент туман партия кенгаши биринчи котиби:**

— Бизнинг кучимиз —халқ. Халқ ўртасида иш олиб бормас эканмиз мақсадга етолмаймиз. Сайловларга келсак, анча тажрибага эгамиз, олдинги сайловлардаги хатолардан кўзимиз очилди. Ўйлайманки, бугун тилга олинган муаммоларни ҳал қилишда бизга вилоят партия кенгаши кўмакдош бўлади.

Конференцияда ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби Собиржон Усмонов сўзга чиқди.

• • •

**Конференциядан сўнг бўлиб ўтган ташкилий пленумда Жалолиддин Нуруллаев ЎзХДП Бухоро вилоят кенгашининг биринчи котиби, Бахриддин Муҳиддинов котиб этиб қайта сайландилар.**

**Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**Аччиқ, аммо очиқ гаплар**

# ҲАЛОЛЛИК БОР ЖОЙДА

## ТАДБИРКОР ҚИЁФАСИДАГИ БИР ГУРУҲ КИМСАЛАРНИНГ

Жорий йилнинг шу кунига қадар Тошкент шаҳри СВОЖҚК департаменти ходимлари томонидан ўтказилган тезкор қидирув-таҳлил ишлари натижасида 19 миллиард 822 миллион сўм банкка топширилмаган ноқонуний нақд пул айланмаси аниқланди. Банкдан ташқари айланган нақд пулларга нисбатан 1 миллиард 893 миллион сўмлик молиявий жарималар қўлланилиб, 204 миллион 226 минг сўм бюджетга ундирилди. Хато ва камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан 3 миллион 187 минг сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди.

«Саенко қурилиш» хусусий фирмаси пойтахтимизнинг Акмал Икромов тумани ДСИ рўйхатидан ўтиб, бор-йўғи ўн ой фаолият юритди. Фирма раҳбари Анна Саенко солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларида ўз товар айланмасини 258.368.800 сўм этиб кўрсатади. Ҳақиқат текширишларда аниқланди. Маълум бўлишича, фирма товар айланмаси 313.690.800 сўмни ташкил этган ва ҳисоботлардан тадбиркор Анна Саенко кўп эмас — оз эмас 55 миллион 320 минг сўмни яшириб қолган экан...

«Саенко қурилиш»нинг 10 ойлик фаолиятини «безаган» бошқа ҳолат ҳам мавжудлиги бор эканки, бунга ҳам «тасанно» демасликнинг иложи йўқ. Яъни «Саенко қурилиш» ХФ си ҳисоб рақамига ўзида мавжуд бўлмаган маҳсулотларга маблағлар келиб тушади. Турли корхоналардан келиб тушган ушбу маблағларга 47 миллион 745 минг сўмлик хўжалик совуни, 65 миллион сўмга эса қандолат маҳсулотлари сотиб олинади. Ва маҳсулотлар нақд пулга сотилади. Савдодан тушган ушбу нақд пуллар фирма дўконидаги назорат касса машинаси (НКМ) хотирасига киритилмайди ҳамда банкка топширилмайди. Ушбу қилмишлари учун фирма раҳбари Анна Саенкога нисбатан ЎзР ЖК 184- ва 189-моддаларининг 3-қисмлари билан жиноий иш қўзғатилди.

### МАРДИКОР «ФИРМАЧ»

Фуқаро М.Файзиевнинг ишлари янада антиқа. У Юнусобод туман ҳокимлигига сохта маълумотлар тақдим этиб, пойтахтда тинчгина қора қозонини қайнатиб, мардикорлик билан шуғулланиб юрган (1964 йилда Наманган вилоятида туғилган) фуқаро Ф.Салимовнинг номига «Krez» хусусий фирмасини очади. Мазкур фирманинг хўжалик ва молиявий фаолиятини ўзи юритади: яъни турли ташкилотлардан тушган 1,3 миллиард сўмлик маблағлар тегишли тартибда инкассация қилинмасдан нақдлаштирилган.

Бундан ташқари, мардикор номидан иш кўрувчи «Krez» фирмаси металл қопқоқ ишлаб чиқарувчи ХТ Д.Ҳамидов ҳисоб рақамига пул ўтказиб келади. Бу ҳолат «Қобил қурилиш сервис», «Сервис Лайм», «Blitstur», «Оҳангарон омадли савдо» сингари кўплаб корхоналарни ҳам ўз «бағрига» олади. М.Файзиев «ҳамкор»ларидан тушган жарақ-жарақ пулларга автомашиналар сотиб олиб, уларни нақд пулга сотади. Натижада, 95,8 миллионлик нақд пул банкни эмас, чўнтакларни қаппайтиради. Бу ҳамён Ф.Салимовники эмас, М.Файзиевники эди, албатта.

### ЯШИРИЛГАН МИЛЛИОНЛАР

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида иш юритиб келган «Модерн саноат сервис» МЧЖ фаолиятига шу йилнинг 13 май куни нуқта қўйилди.

# ЭЛ-ЮРТГА МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда пахта ва ғалла етиштириладиган майдонлар мониторинги ўтказилганда 24 минг гектардан зиёдроқ ердан мақсадсиз фойдаланилганлиги, шундан 5,4 минг гектар экин майдонлари ҳисоботдан яширилганлиги, 591 гектар ер ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани ҳолатлари аниқланган.

Энг ачинарлиси, ер ажратиш масалалари борасида масъул шахсларнинг ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши, қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиши каби салбий ҳолатлар кўп учраяпти. Текшириш натижаларига қараганда, мамлакат бўйича 125 нафар мансабдор шахс, жумладан, 44 нафар ҳоким ва уларнинг ўринбосарлари шундай номақбул ишлар билан шуғулланган экан.

**Давлатимиз раҳбари куйиб-ёниб гапирганидек, агар ҳоким қинғир ва ҳаром ишларга қўл урса, бошқалардан нима кутиш мумкин?**

Республика Бош прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси Эргаш Менглиев «Халқ сўзи» газетасининг шу йил 10 август сонида эълон қилинган «Ер табаррук неъматдир» номли мақоласида жойларда ернинг талон-торож қилинишига, одамларнинг кўз ўнгида қонунлар бузилишига, ошна-оғайнигарчиликка, таниш-билишчиликка йўл қўйилишида кўпинча ҳокимлар сабабчи бўлаётганини исбот этадиган кўплаб далил ва рақамлар келтирган.

Биз баён этаётган фикр-мулоҳазаларимизни асослаш мақсадида ана шу фактлардан айримларинигина эслатиб ўтишни лозим топдик. Жумладан, ер ажратишда ва бошқа шу каби кўплаб ҳолатларда мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, давлат ва жамоат манфаатларига катта ҳажмда зарар етказган Чуст тумани ҳокими Т.Рўзибоев, Бағдод тумани ҳокими Ш.Солижонов ва Урганч тумани ҳокими Р.Зоирхонов жиноий жавобгарликка тортилган. Пскент тумани ҳокими А.Ғофуров эса ўзининг биринчи ўринбосари — ер бериш комиссияси раиси Б.Дўсбеков билан келишиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида турли жиноятлар содир этган. Хусусан, у собиқ синфдоши — тегишли хўжаликка аъзо ҳам бўлмаган Ў.Эшонқуловга ҳамда таниши М.Мирсаидовага 10-25 гектардан ер ҳадя этиб, қонунни бузиш ҳисобига «ҳотамтойлик» қилганига нима дейсиз?

**3**

Шунингдек, Ромитан тумани ҳокими А.Нозимов синглисига 40,9, ўғлига 81 ва укасига 14,6 гектар ер ажратиб берган бўлса, Навбаҳор тумани ҳокими Ғ.Облоқулов укасига 18, куёвига 200, жиянига 32 гектар ер инъом этиб юборган. Қизилтепа тумани ҳокими Ш.Набиев акасига оз эмас-кўп эмас 106 гектар ер ажратиб берган. Шаҳрихон тумани ҳокими А.Раҳмонов, Жиззах тумани ҳокими П.Шукуров, Яккабоғ тумани ҳокими З.Рўзиев, Пахтачи тумани ҳокими О.Аллаёров, Боёвут тумани ҳокими Э.Дадабоев, Олтиариқ тумани ҳокими Н.Омонов, Питнак шаҳрининг собиқ ҳокими И.Қурязов каби мансабдор шахслар ҳам .ўғли, қизи, турмуш ўртоғи, ошна-оғайнисига ер ажратиб, талон-торожга йўл қўйганлар.

Амалдорлар, аксарият ҳокимлар ер сотишдек «ҳунар»ни яхши ўзлаштириб олганига ҳам мисоллар кўп. Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг айрим туманлари ҳокимлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари томонидан ер майдонлари пора эвазига сотилиши ҳолатлари юзасидан жами 16 та жиноят иши қўзғатилган.

Эътибор беринг — мансабдор ўзига тегишли бўлмаган, одамлар ҳаётини яхшилаш воситаси сифатида вақтинча, омонат тариқасида ихтиёрига берилган мулкни — неча-неча келажак авлодлар ризқини ҳаром луқмага алишмоқда. Буни нима деб аташ мумкин? Очкўзликми? Омонатга — хиёнатми? Келгуси авлодлар ҳаққига чанг солишми? Афсуски, барчаси мужассам...

Ўйланиб қоласан киши. Жойларда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга масъул шахслар томонидан содир этилаётган бундай қонунбузарликлар наинки эл-юрт манфаатларига моддий зиён етказяпти, айни пайтда Юртбошимизнинг хайрли ва истиқболли ташаббуси — фермерлик ҳаракатининг тараққиётига тўсиқ бўлмаяптими? Амалдорларнинг бу тахлит ҳаракатлари алал-оқибат қишлоқ хўжалиги соҳасида юритилаётган давлат сиёсатига нисбатан ҳурмат ва ишончни сусайтириб юбормаяптими?

Шу ўринда яқин тарихимиз — ўтган асрнинг 90-йилларини бир эслайлик. Бу даврга келиб республикамизда пахта деярли 75 фоиз майдонни эгаллаганди. Мутахассисларнинг фикрича, дунёнинг биронта мамлакатида пахта монополияси бу қадар юқори даражага кўтарилмаган. Бу ҳол ернинг кучсизланишига, тупроқ унумдорлиги пасайишига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келганди.

**4**

Республикамизда минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларнинг қўлланиши энг юқори нормалардан ҳам ўнлаб баравар ортиқ эди. Ер ўйловсиз равишда оммавий суратда ўзлаштирилгани етмагандай, ана шу янги майдонлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмасди. Ҳамма жойда пахта назоратсиз суғорилarди. Оқибатда тупроқнинг нами кўпайиб кетган, бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келганди.

Ўшанда бундай салбий ҳолатлар юзага келишида собиқ Марказни айбдор қилгандик. Ўша ёқдан тайинланган ва келган раҳбарлар тупроғимиз шарт-шароитини, сувимиз қаёқдан-қаёққа оқишини, ёғинсочину иссиқ-совуқ мавсумларимиз даврийлигини, умуман, муҳитимизни мутлақо билмайди, дердик. Эл-юртимиз равнақи учун жон куйдирмайдиган, аксинча, билиб-билмай миллий манфаатларимизга зиён етказадиган ер-сувимизнинг бегона соҳиблари вақти-соати келганда топганини йиғиштириб, ўз юртига — тайин иш ва тайин турар-жойига кетиб қолади, деб ёзғирардик.

Энди-чи? Бугун бундай мулоҳазаларга, ёзғиришларга ўрин борми?

Мана, ўн-ўн уч йилдирки, элимиз орасидан чиққан, шу заминда туғилиб, халқимиз кўз ўнгида ўсиб-улғайган, давлатимиз маблағлари ҳисобига замонавий билим юртларида таълим-тарбия олган, керак бўлса, хориж тажрибасини ўрганиб келган ўз миллий кадрларимиз жойларда амал курсиларини эгаллаётир. Уларнинг зиммасига бор куч-қуввати ва ақл-заковатини сафарбар этиб, ўзлари тайинланган ҳудудда вазиятни чуқур ўрганиш, мавжуд муаммолар билан яқиндан танишиш, уларнинг ечимини топишда, аввало, халқимиз, жамоатчилигимиз билан бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишдек юксак ишонч ва масъулиятли вазифа юкланган.

Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам зиммасидаги вазифа ва масъулиятни ҳалол, виждонан, жон куйдириб адо этаяптими? Афсуски, бу саволга астойдил, дилдан ижобий жавоб бериш қийин. Акс ҳолда юқорида келтирилган мисоллар бўлмас эди.

Албатта, тегишли органлар айбдорларга қилмишига яраша жазосини бермоқда. **Жорий йилнинг ўтган даврида прокуратура идоралари томонидан қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси юзасидан 16 мингдан ортиқ шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган. Бундай қонунбузарликка йўл қўйганларга нисбатан 735 жиноят иши қўзғатилган, айбдор шахслардан 1,4 миллиард сўмлик зарар ундирилган. Судларга 8,6 миллиард сўмлик зарарни ундириш тўғрисида киритилган даъво аризаларининг 6,3 миллиард сўмлиги қаноатлантирилган.**

Айтингчи, вазифасига ўта

**5**

совуққонлик, лоқайдлик билан қараган, қисқа вақт ичида зиммасидаги масъулиятини унутган 16 минг нафардан зиёд шахс — ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, бошқа амалдор ва мутасаддилар — ўз ҳамюртларимиз, ўз миллатдошларимиз шундай қилмишларга қўл уришдан олдин жиноят жазосиз қолмаслиги, энг ёмони, шармандаю-шармисор бўлгач, эл орасида бош кўтариб юришга қандай юзи чидаши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмикан?

Ахир, юзи шувит бўлган бу каби одамлар ўзи алдаган, кўзига чўп суққан, дилини оғритган, ҳаққига хиёнат қилган ҳамюртлари — қўни-қўшнилари, маҳалладошлари билан бир тўйдан ош ейди, бир тобутга елка тутади, қисқа айтганда, элнинг яхши-ёмон кунида қатнашади. Шундай экан, барибир, ўзи жабр қилган, ишончини топтаган кишиларга тўқнаш келади-ку! Кўз кўзга тушади, ахир. Ўшанда улар элдошларига қайси юз билан қарайди, одамлар олдида ўзини нима деб оқлайди?!.

Нафс балосига қарши туролмаган, унинг қутқусидан ўзини асрай олмаган бундай кишилар ўз фарзандларига маънавияту маърифатдан қандай сабоқ беракин? Зурриёдларини қай тахлит иймони бут ва иродаси бақувват этиб тарбиялай олади? Невара-чевараларига истиқлолни мустаҳкамлаш йўлида қўшган қайси ҳиссасию, элюрт оғирини енгил қилишдаги қайси хизматларини сўзлаб беракин?

Давлат, халқ томонидан берилган ваколатни ўзбошимчалик деб, талабчанликни зўравонлик деб, эл ризқини луқмаи ҳалол деб тушунган бу кишилар, алал-оқибат, мансабнинг ўткинчилигини унутиб, оила аъзоларига, қариндош-уруғлари ва ошна-оғайниларига яхшилик қиламан деб, аслида ўзи учун ҳам, барча яқинлари учун ҳам умрбод душманлик қилиб қўйганини — эл орасида авлод-аждоди, насл-насабига доғ туширганини, халқдан узоқлашиб бораётганини, одамлардан узилиб қолаётганини англаб етармикан?..

Хуллас, саволлар жуда кўп. Жавоб эса — битта.

**Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мансаб курсисига ўтирган ҳар қайси одам бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслиги керак: раҳбарга лавозимни, обрўни шу эл-юрт беради, лекин лавозимни унинг ўзи йўқотади. Бу оддий, шу билан бирга, ҳар бир раҳбар учун олий ҳақиқатдир.**

Аввалбошдаги ривоятимизнинг мазмун-моҳиятига қайтсак, қайсидир ўзбошимчалар томонидан сотилган, тарқатилган, ҳадя этилган, исталганча талон-торож қилинган, қайсидир боқибеғамларнинг айби билан кучсизланиб ва шўрланиб бораётган ана шу ер — аслида жонажон Ватанимизнинг азиз парчасидир. Демак, у фақат сизнинг ё бизнинггина мулкимиз эмас. Туғилажак набираларимизнинг ҳам шу муқаддас тупроқда ҳақлари бор.

Демак, уни топташга, талон-торож қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**6**

---

Табиат ҳодисалари

# ТЎФОНЛАР ЎЗ КУЧИНИ КЎРСАТДИ



Аслида денгиз қирғоқларида жойлашган манзиллар учун денгиз пўртаналари-ю тўфонлари, бўронлари-ю довуллари одатий ҳол. Гап фақат унинг кучида. Шу нуқтаи назардан қараганда Хитойнинг жануби-шарқий қирғоғида жойлашган Чжэцзян музофотига жума куни бостириб кирган, «Раманим» деб аталган денгиз тўфони энг даҳшатлиларидан бири бўлди.

ХХР Фуқаролик маъмурияти вазирлиги берган маълумотларга қараганда, жорий йилда ўн тўртинчиси ҳисобланмиш бу тўфон касридан 8,59 миллион киши азият чекди. 63 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди, 15 нафари дом-дараксиз йўқолди, 1800 киши турли даражада жароҳат олди. 410 минг киши тезкорлик билан хавфсиз жойларга кўчирилди. 130 мингта уй шикастланган бўлса, шундан 42 мингтаси бутунлай вайрон бўлди.

Мутахассисларнинг фикрича, тўфон Тайбэй орқали кириб келган. Тайбэйда ҳам бир кишининг ёстиғини қуритган. Ёмғир аралаш кучли шамол Тайбэйда соатига 140 километр тезлик билан ҳаракатланган бўлса, Хитой қирғоқларига келганда унинг тезлиги ортиб кетди. Маълум жойларда қуюнлар ҳосил қилди. Унинг ўрамаси ўз йўлида учраган барча нарсаларни: дарахтлар борми, уйлармі ёки техниками барчасини қўпориб, ағдариб, яксон этиб ташлади. Миллионлаб одамлар электр энергия, ичимлик сув, телефон алоқасисиз қолди.

Ҳозир Хитойда қидирув-қутқарув ва тиклаш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Reuters хабар беришича, инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилмоқда.

Маҳаллий метеорологларнинг таъкидлашларича, бу тўфон 1997 йилдан кейин юз берган энг бузғунчи тўфондир. Ўшанда 236 киши айнан шу фалокат натижасида ҳалок бўлган эди, мамлакат 2 миллиард доллардан ортиқ зарар кўрганди.

Умуман олганда Хитой шарқида ҳалокатли тўфонлар кўп такрорланиб туради. Шу йил июль бошларида юз берган «Миндул» тўфони 15 кишининг ёстиғини қуритиб, 9 кишининг дом-дараксиз йўқолишига ва 8 кишининг турли даражада жароҳат олишига сабаб бўлган эди. Шу каби тўфон, ўтган йил сентябрда Хитойнинг шимоли-ғарбида ҳам юз берган эди. Ўшанда 32 киши унинг қурбонига айланган, минг киши жароҳатланган. «Ду-цзюан» деб аталган бу тўфон ўшанда дарёларни ўзанидан тошириб, сув тошқинини юзаға келтирганди.

Худди шундай денгиз довули пайшанба куни Каймановлар оролида бошланиб, жума куни Кубага етиб борди. Бироқ бу «Чарли» бўрони (уни шундай аташган) ёмғирсиз ўтганлиги боис мамлакат пойтахти Гавана катта зарар кўрмади. Шундай бўлса-да, Кубанинг ғарбий туманларидан 200 мингга яқин маҳаллий аҳоли, 2 минг нафар хорижий сайёҳ хавфсиз жойларга кўчирилди. Бўрон тезлиги соатига 200 километрга етди. Натижада уй томларини қўпориб ташлади, деразаларни чил-чил қилди, кўчалардаги дарахтлар эса илдизи билан ағдарилди.

Бўрон Флорида ярим ороли томон йўналиш олганлиги боис у ерда фавқулодда ҳолат жорий этилди. Мактаблар ва муассасалар ёпилди. Миллионга яқин киши хавфсиз жойларга кўчирилди.

Associated Press агентлиги берган маълумотларга кўра, «Чарли» 5 балли шкала бўйича учинчи категорияга кирувчи тўфондир. У шу йил кутилаётган энг бузғунчи 3 та тўфондан биттасидир.

Охирги 7-9 йил ичида Шимолий Атлантикада пўртаналар фаоллашганини кузатиш мумкин. Экспертлар фикрича, бу инсониятнинг экологияга таъсири натижаси эмас, балки пўртаналарнинг шунчаки фаоллашган давридир. Бу давр 20-30 йилгача давом этади.

Жорий йилда бўлиб ўтган ва бўлиши кутилаётган пўртанаю тўфонлар, бўрону довулларга расмий номлар ҳам қўйилган. Масалан, «Элекс», «Бонни», «Чарли», «Даниэлла», «Эрл», «Фрэнсис», «Гастон», «Гермиона», «Иван», «Жин», «Карл», «Лайза», «Мэтью», «Николь», «Отто», «Пола», «Ричард», «Шэри», «Томас», «Виргиния» ва «Уолтер».

Эслатиб ўтамиз: Шимолий Атлантикада тўфонлар мавсуми 1 июндан 30 ноябргача давом этади. Ўтган йили жами 17 та тропик пўртана юз берган бўлса, шундан еттитаси довулга, тўрттаси эса ўта кучли тўфонга айланган. Буларнинг энг бузғунчиси 6-19 сентябрь кунлари юз берган «Изабель» тўфонидир. У 16 кишининг ёстиғини қуритган.

Кейинги пайтларда Мексика кўрфази акваториясида денгиз пўртаналари ва довуллари фаоллашганлиги биржаларда нефть баҳосининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Негаки, нефть ташишда муаммолар юзага келмоқда. Қисқаси, денгиз йўлида табиий офатларнинг содир бўлиши кема қатновларига таъсир этиб, бошқа турли-туман маҳсулотлар баҳоси ортиб кетишига сабаб бўлади.

**Алимбек ТОШБЕК тайёрлади**

---

XORIJDA

**Япониянинг Kansai Elektric Power компанияси ўз тасарруфидаги барча Атом электр станциялари фаолиятини текшириш учун ёпишни мўлжаллаб турибди, дейилади Times газетаси сайтидаги ахборотда. Мазкур компанияга қарашли 11 та АЭСнинг ядро реакторидаги совитувчи қувурлар текширувдан ўтказилади.**

## АЭСлар текшириш учун ёпилади

Ўтган ҳафта компания 3 та реакторни тўхтатди. Қолганлари қачон тўхтатилиши ҳақида ҳозирча хабар берилмаяпти.

Компаниянинг бундай қарорга келишига сабаб 9 август куни «Михама» АЭСида юз берган ҳалокатдир. Ўшанда учинчи реакторнинг турбина цехида қувур тешилиши оқибатида буғ ташқарига чиқиб, 4 кишининг умрига зомин бўлган эди.

---

# БАРАКА БОР, ИЗЗАТ-ҲУРМАТ БОР

## ҚИЛМИШЛАРИ ХУСУСИДА

Корхонанинг банкда мавжуд бўлган ҳисоб-рақамларидаги пул айланмалари ўрганилганда 2004 йилнинг 23 апрель кунидан то қўлга олингунга қадар унинг товар айланмаси 1 миллиард 221,2 миллион сўмни ташкил этган. Корхона раҳбари эса ушбу товар айланмасини бор-йўғи 5 миллион 514,6 минг сўмгина этиб кўрсатади. Аниқланишича, биргина йўл ва нафақа фондидан 20,6 миллион сўм маблағ тўланмаган. Қолган мажбурий тўловларнинг миқдори қанча бўлганлигини чамалайверинг...

• • •

Тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўз мол-мулкига эга бўлаётганлар бугун минг-минглларни ташкил этади. Уларнинг қалбида мулкдорлик ҳисси, яъни менинг кичкина бўлса-да ўз мулким, бойлигим бор ва у албатта, ўзимизники, ундан нафақат оилам, фарзандларим, балки бутун элу юрт наф кўради, деган қараш мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда юқорида тилга олинган «ихтирочи» тадбиркорлик ҳақида нима дейиш мумкин?

Бир марта ёлғон ва қинғирлик аралашган жойдан қирқ кун барака кетади. Кўриб турибсизки, уларнинг минг туяга юк бўлгулик ҳийласи ҳам ҳуқуқ тартибот органлари назаридан четда қолмади — фош бўлди.

Аммо, мана шундай юлғичлар касофатидан оддий халқ ўртасида ҳар хил тушунмовчиликлар вужудга келмоқда. Бундай ҳаракатлар вазиятни барқарор ҳолга келтиришга, нақд пул тушуми ва айланмасини мўътадиллаштиришга қаратилган тўсиқ деб қаралмоғи керак. Меҳнаткаш омма маошини, фахрийлар нафақасини, талабалар стипендияларини, кам таъминланган оилаларнинг ёрдам пулини, ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақини банкда пул бўлмагандан кейин нима ҳисобидан тўланади?

Мамлакат келажагини халқдан, одамлар фаровонлигидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Қинғир йўл билан бировлар манфаатини оёқ ости қилиш орқали бойишнинг имкони йўқ. Ҳалоллик бор жойда барака бор, ҳурмат-иззат мавжуд. Ҳалолликни менсимаганларни халқ ҳам, қонунларимиз ҳам кечирмайди.

**Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК департаментининг катта инспектори.**
**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

Инсон ва табиат

## 3. Эзгуликнинг эпкинлари эсяпти

# ЯШИЛЛИК ЯРАТИЛЯПТИ, ДЕМАК, ОРОЛ ЯШАЙДИ





Сафаримизнинг сўнгги кун тартибида Нукус атрофидаги туманларда бўлиш кўзда тутилганди. Яна йўлга чиқдик. Чимбой туманидаги пахта пайкалларида деҳқонлар ғўзаларга сув тарашаётган экан. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги илмий-текшириш институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, селекционер олим Узоқбой Орифжонов шундай дейди:

— 15 гектар пахта майдонимизда сув танқислиги шароитида агротехник ишловда сувни тежаш, юқори ҳосил олиш устида икки йилдан буён илмий иш олиб боряпмиз. Пайкалларни суғоришда экинга бир марта бериладиган миқдоридаги сувни тежаб қоляпмиз. Одатда ҳар тўрттала суғоришда, биринчи сувда гектарига 1000-1200, иккинчи сувда 800, умуман ўрта ҳисобда 4000 куб метр сув сарфланади. Биз бу кўрсаткични 3200 куб метрга туширдик, яъни бир суғориш сувни тежаб қолдик, гектаридан 30-32 центнердан ҳосил олишга эришяпмиз. Бу бизнинг шароит учун яхши натижа. Чигитнинг маҳаллий янги навларини экканмиз. Булар институтимиз олимлари томонидан яратилган Чимбой-3010, Дўстлик-2, Чимбой-50х18, Орол-2 навлари нав синов комисиялари томонидан яхши баҳо оляпти. Бизнинг институтимизда 95 нафар илмий ходимлар, лобарантлар хизмат қилади. Шу пайкалда 9 нафар ходимимиз ишлайди. Ютуқларни қўлга киритишда, биринчи сувда 850-900 куб метр сув сарфлаб, пахта илдизига сувни тараб суғориш орқали эришяпмиз, ҳар сувдан 200-220 куб метр тежаш орқали яхшигина иқтисодий фойда олиш мумкин. Минтақамиздаги кўп ерларимиз шўрланиб кетган. 1996 йилда томчилаб суғоришни синадик, тўғри келмади. Селекционер олимларимиз янги навлар устида изланяптилар.

Институт хорижликлар билан ҳам ҳамкорлик қилади. Краснодарлик (Россия) мутахассис олимлар билан ҳамкорликда кунга боқар, кунжут, ер ёнғоқнинг серҳосил навларини олиб келиб экиб, синовдан ўтказаяпти. Институт бултурдан бошлаб грантлар бўйича ҳам иш олиб боряпти. Америка аграр университети, Тошкент Аграр университетининг 2 та грантини қўлга киритди. Селекция бўйича 25 млн. доллар, пахтанинг сув танқислигига чидамли пахта навларини тайёрлаш ва Қорақалпоғистон, Хоразм воҳасида пайдо бўлган қовун чивинига қарши ҳимоя бўйича 7 минг долларлик грантдир.

Чимбой туманида 48 минг гектар экиладиган майдон бўлса, шундан 4865 гектари кучли, 17 минг гектари ўртача шўрланган ерлардир. Ўтган йили 12 минг 265 гектар ўртача шўрланган ерлар мавжуд эди, бу йил яна 4500 гектар қўшилди. Бу нима дегани? Бу кучли шўрланган ерлар камаймоқда, деган гап.

Оролқум майдонларида олиб борилаётган фитомелиорация ишлари ўзининг дастлабки натижаларини кўрсатяпти. Чунки сакосовуллар тузларни ушлаб қоляпти. Туманда пахтани қайта ишлаш заводи, ёғ заводи, донни қайта ишлаб чиқарувчи комбинат тўла қувват билан ишлаб турибди. Пахта экишни кўпайтиряпти, чунки шунинг ҳисобига ёғ, совун ишлаб чиқариб, аҳоли эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилиняпти. Чимбойликлар бу йил давлатга пилла топшириш режасини ҳам уддалашди, буғдой ҳам мўл бўлди, режа ошириб бажарилди.

Пайкаллардаги шиғил кўсакларга қараб туманнинг 3400 гектар ердан 6424 тонналик хирмони тикланишига ҳам умид боғладик. Халқда, излаган имкон топади, деган мақол бор. Чимбойликлар имкон излаяптилар, бу йил 5 та «Олтой-Т4» трактори, 24 та «ТТЗ-80» тракторини олиб, фермер хўжаликларига берилди.

Туманда 92 минг аҳоли бор. Айниқса, тадбиркор аёллар ассоциацияси ишбилармон хотин-қизларни қўллаб-қувватлаяпти, 60 нафар тадбиркор аёлларга 250 минг сўм миқдорида мини кредитлар берилди. Улар хусусий тадбиркорликка ўқитиляпти.

Хусусий тадбиркор Марат Қазанбоевнинг хонадонидамиз. 4 та туя, 5 та қорамоли бор, томорқасида помидорлари пишиб ётибди. 11178 кг. гўшт, 3600 литр сут топшириб, 545,2 минг сўм соф фойда олибди. Қўни-қўшнилар учун икки ишчи ўрин очилибди.

Нукус туманига йўл оламиз. Туман аҳолисининг турмуш даражасини шинам кўчалар, мактаб, боғча, замонавий касб-ҳунар коллежи, шифохона ва бозорларидаги нарх-навога қараб билиб олиш мумкин. Хўл мевалар, сабзавотлар, полиз маҳсулотларининг баҳоси пойтахт ёки вилоятлардагидан кўп фарқ қилмайди. Сут маҳсулотларининг миқдори ва сифати, турлари кўп, харидорларга танлаб олиш имконияти бор.

Бозор растасида айлана туриб бир харидорнинг сотувчидан «Қизилқум»нинг маҳсулоти борми?» деб сўраганини эшитиб қолдик. Ва ўша фермер хўжаликка бордик.

— Чорвачилик билан шуғулланамиз, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштирамиз, — дейди фермер Қорабой Мирзабоев. — 1620 литр сут топширдик, 1486,8 кг. гўшт, учта янги иш ўрни очилди. 43,7 минг сўм фойда олдик. Бу йил лойиҳаси 1515,0 минг сўмлик кредит олдик. 190 минг сўм пулни тўладик.

Чорвадор фермернинг хўжалиги билан танишамиз, 20 сотихлик томорқасида пишиб ётган помидор, бақлажонлар, молхонасида қорамоллар.

— Маҳсулотимизни бозорга ҳам чиқаряпмиз, — дейди хўжалик бекаси Дилоромхон. — Икки нафар фарзандимиз, келиним ишлайди. Биласизми, халқда мақол бор «Яхши яшаш юрганники, ёмон яшаш турганники», барига ҳаракат керак.

Қишлоқ аёлининг жўнгина фалсафаси, яшаш учун курашиш керак. Ва улар шундай қилишяпти, натижаси, мана, кафтимизда кўриниб турибди.

Тахтатошга йўлимиз. Бу ҳақда батафсил, «Жайхуннинг жон жойлари» хусусида сал фурсатдан сўнг ёзишни ўйлаб қўйдим.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

Қорақалпоқ заминидаги тўрт кунлик сафаримиз адоқлаб қолди. Кўрганларимни ҳали ижодкор сифатида «ҳазм» қилиб улгурганим йўқ. Бу диёрга еттинчи келишим бўлса-да, ҳали бу юрт ҳақидаги, қорақалпоқ халқининг ўлмас анъаналари, бугуни хусусидаги тасаввурларим хира, ҳа, жуда қашшоқлашиб қолганини англадим. Борини-борича, безамасдан, бузмай қоғозга қораладим.

Ярим асрдан ортиқ давом этган экологик ҳалокатнинг оғир оқибатини 5-10 йилда тузатиш қийин.

Орол қирғоқ чизиғининг 200 километга чекиниши, денгиз тубидаги тузли қумдан энг кўп талафот кўрган, яъни географик ҳалокатли ҳудудларни кўрганимизда, шу ерда яшаётган оддий халқнинг руҳиятидаги кўтаринкилик, эртанги кунга ёруғ умидлар билан қараётганининг гувоҳи бўлдик. Одамлар ҳар қадамда юртбошимизнинг Оролбўйи болаларига кўрсатаётган ғамхўрликлари, келажак-ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб камолга етказиш учун давлатимиз томонидан қилинаётган амалий ишлар учун фидойиликларини айтишади.

Оролқум саҳросидаги фитомелиорация ишлари, Судочье, Рибачье, Дарё ўртаси, Мўйноқ, Жилтирбас кўл тизимлари ва бошқа қатор сув ҳавзаларида амалга оширилган ва давом этаётган эзгу ишлар, кўлами бизни бу минтақани энди экологик ҳалокатдан оёққа тура бошлаган, эзгулик эпкинлари эсаётган ҳудуд деб тилга олиш фурсати келганлигидан дарак беряпти.

Назаримизда, экилаётган ўсимликлар олами, ҳайвонот олами — яшил дунё Оролни қайта тирилтиряпти. Яшиллик яратиляпти, демак, Орол яшаяпти.

Нукусдан сафардан қайта туриб, самолётда эски танишим ЎзФА «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази лаборатория мудири, биология фанлари доктори, профессор Тошхон опа Раҳимова билан учрашиб қолдик. «Орол қумдаги «еримиз»да қумнинг устига махсус суюқлик сепиб «қотириб», саксовул, черкес уруғлари экаяпмиз, ҳали қиладиган ишлар кўп...» Менга у эринмай «суюқлик қумни босиб туради, «қатлам»ни уруғ бемалол ёриб чиқади... Бир баҳорда келинг кўрасиз, ям-яшил «қир»ларни...» Олима илмий кузатишларини узоқ тушунтиради, мен эса унинг офтобда қорайган юз-кўзлари, одмигина кийимларига қараб ўйлайман ва юқоридаги фикримга яна бир далил топганимга амин бўламан.

Шеър ва шуур




# ЎЗБЕКИСТОН БЎЛМАСАЙДИ...



Шамсиддин САДОЙИ

*Эй дўст айтгил, қайда эди?,*
*Навоийдан қолган наво,*
*Тиб султони Ибн Сино.*
*Дунё шоҳи Темур бобо,*
*Эй дўст айтгил, қайда эди?*
*Улуғбекдан қолган зиё,*
*Яссавий яратган дунё.*
*Эй дўст айтгил қайда эди?*
*Ўзбекистон бўлмасайди!*
*Эй дўст айтгил, қайда эди?!*
*Зуҳро бегим ва Тоҳири,*
*Алпомишдай юрт ботири,*
*Юртбошинг эл ифтихори.*

*Эй дўст айтгил қайда эди?!*
*Боболардан, момолардан —*
*ёдгор қолган номус, ори?,*
*Эркин Воҳиддай шоири,*
*Эй дўст айтгил қайда эди?,*
*Ўзбекистон бўлмасайди!*
*Эй дўст айтгил қайда эди?,*
*Берунийлар туғилмаса.*
*Америка қайда эди?*
*Самарқанд бўлганда машҳур,*
*Европанг ҳам йўлда эди.*
*Эй дўст айтгил, қайда эди?,*
*Ҳатто одам Ато суйган,*

*Буғдой сендай элда эди.*
*Эй дўст айтгил қайда эди?,*
*Ўзбекистон бўлмасайди!*
*Эй дўст айтгил, қайда эди?,*
*Мажнунона ишқ, муҳаббат.*
*Кўзмунчоқдай шундай давлат,*
*Ер юзида асл жаннат,*
*Эй дўст айтгил, қайда эди?,*
*Шундай меҳр ва мурувват.*
*Фариштадай тоза миллат,*
*Ёки Садоийдай улфат.*
*Эй дўст айтгил, қайда эди?,*
*Ўзбекистон бўлмасайди!!!*

## БУХОРОДАН ЙЎЛГА ЧИҚҚАН ШОИРИНГМАН...

*Онагинам, қабринг мангу нурга тўлсин,*
*Отагинам, жойинг жаннатмакон бўлсин.*
*Синглим Райҳон, бедор руҳинг мадад берсин,*
*Бухородан йўлга чиққан шоирингман!*

*Онажон бу эрка ўғлинг айбин кечир,*
*Ҳозир йўлга тушмасам гар, кейин кечдир.*
*Юрагимни байроқ қилиб, кўтарай бир,*
*Бухородан йўлга чиққан шоирингман!*

*Зарафшоннинг тўлқинлари сизга хайр,*
*Хадичамнинг оқ тонглари сизга хайр.*

*Сулув-сулув гул қизлари сизга хайр,*
*Бухородан йўлга чиққан шоирингман!*

*Ал Исмоил Бухорий Сиз гувоҳ бўлинг,*
*Хўжаи Жаҳон — Ғиждувоний паноҳ бўлинг.*
*Баҳоуддин балогардон ҳамроҳ бўлинг,*
*Бухородан йўлга чиққан шоирингман!*

*Ё, насиб — деб, йўлга чиқдим етарман — деб,*
*Бахту тахтим, насибамни топарман — деб.*
*Ўзбекистон, бир кунингга ярайман — деб,*
*Бухородан йўлга чиққан шоирингман!*

## ХЎЖАИ — ЖАҲОН ҒИЖДУВОН

*Минг асрлик тарихга ёр, маржон диёрим,*
*Хазон билмас баҳорлардан ёдгор гулёрим.*
*Ғиждувоний зиё сочган ғururим, орим,*
*Бўйларингга садқа бўлай, Хўжаи — Жаҳоним!.*

*Султон мирзо Улуғбекдай шоҳ назар солган,*
*Баҳоуддин балогардон излари қолган.*
*Етти пирлар, авлиёлар ҳалқасин солган*
*Изларингга садқа бўлай, Хўжаи — Жаҳоним!.*

*Момоларим куйлаб кетган тупроғи азал,*
*Эй муқаддас шариф юртим туганмас ғазал.*
*Йигитларинг бургутқанот, қизларинг асал,*
*Тўйларингга садқа бўлай, Хўжаи — Жаҳоним!.*

*Бобо юртим, Момо юртим қаддингдан ўзим,*
*Юлдузларга ҳам етгудай шаҳдингдан ўзим.*
*Садоингман айланайин бахтингдан ўзим,*
*Йўлларингга садқа бўлай, Хўжаи — Жаҳоним!...*

## ЯХШИЛИККА ШАЙДО ОДАМЛАР

Ниғматулло Муҳаммадхўжаевга

*Ҳар кўнгилда яхшиликдан бўлса нишона,*
*Ҳар юракда бўлса савоб отли дурдона.*
*Шу иккиси бирла жаннат бўлгай замона,*
*Омон бўлсин яхшиликка шайдо одамлар!*

*Савоб иш-деб, бу дунёдан кечган нечалар,*
*Яхшиликка ҳайкал қўйган асли ўшалар.*
*Ниғматилло оға каби ҳимматпешалар,*
*Омон бўлсин яхшиликка шайдо одамлар!*

*Кам бўлмагай асло бундай сахий қалбга ёр,*
*Йиқилганга суянчиғу, элга мададкор.*
*Қанча савоб қилса, шунча бўлгай улуғвор,*
*Омон бўлсин яхшиликка шайдо одамлар!*

*Савоб бир кун ажир деган бахтдан қайтгайдир,*
*Ўғил-қиздан, аё, ёру-дўстдан қайтгайдир.*
*Бандасидан қайтмаса, гар ҳақдан қайтгайдир,*
*Омон бўлсин яхшиликка шайдо одамлар!..*

### ТЎРТЛИК

*Осмонингни ойи бўлдим муҳаббат,*
*Камонингни ёйи бўлдим муҳаббат.*
*Эй балокаш, эй жафокаш, эй офат,*
*Остонангни пойи бўлдим муҳаббат...*

Ҳикматли сўзлар маъноси

### ОҒРИҚ КЎПАЙСА, ЭМЧИ КЎПАЯР

(эмчи — эмловчи, даволовчи табиб, шифокор.) Бу билан: «Одатда киши касал бўлса, ё «фалон ерим оғрияпти, писмадон ерим оғрияпти» деб унга-бунга дардини айтиб, шикоят қилиб юрса, «ундай қилинг, бундай қилинг». «уни енг, буни енг», «уни ичинг, буни ичинг» ва ҳ.к. деб билар-билмас маслаҳат берувчилар кўп бўлади. Сен ҳар кимнинг маслаҳатига кириб, касалингнинг ҳар хил эмини қилмагин-да, биладиган одамга кўрсат, даволат», деган маънода насиҳат қиладилар.

### ОҒРИҚ ТИШНИНГ ДАВОСИ — ОМБИР

Одатда кишининг тиши оғриса, аввало даволашга ҳаракат қиладилар, агар даволашнинг имкони бўлмаса, омбир билан шартта суғуриб ташлайдилар. Шу ҳол мисолга олиб айтилган мазкур мақол билан мажозан: «Агар ёрдўстинг ёмонлик тарафига бурилса, зиён-заҳмат етказа бошласа, аввало уни бу йўлдан қайтаришга, тартибга чақиришга ҳаракат қилиб кўр. Бунинг уддасидан чиқолмасанг, унга гап-сўзинг, ҳаракатинг кор қилмаса, аввалгидек ёмонлигини қилаверса, ҳар қанча қадрдонинг, кўп йиллик дўсту биродаринг бўлса ҳамки, ундан юзингни ўгир, алоқангни уз, воз кеч!» деган маънода насиҳат қиладилар.

### ОЁЗИНГНИ КЎККА ОЧМА, ҲАЛОЛ МЕҲНАТДАН ҚОЧМА!

«Кўкдан нон умид қилма, ўзинг ишла, ўзинг топ». Бу мақоллар билан: «Кўкдан — яъни, Аллоҳдан егулик-ичгуликни, умуман, ҳар бир нарсани тилаб, умид қилиб, ҳеч нарсага эришиб ҳам бўлмайди. Эришмоқ учун — ишламоқ, ҳаракат қилмоқ керак», деган маънода насиҳат қилганлар.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН



*«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.*

Маҳсулот сертификатланган.

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru

Биз билган ва билмаган тарих

# БОЯЗИД БАСТОМИЙМИ ЁКИ ХОЖА БОЯЗИД?

Бувайда туманининг Наманган вилояти билан чегарадош қисмида, Қўқон — Андижон йўли ёқасида Султон Боязид номли кўҳна қабристон бор. Маълумотларга қараганда, бу ерга ўтмишда 40 га яқин қишлоқнинг вафот этган кишилари дафн қилиб келинган. Қабристондаги XIV асрга оид қўш гумбазли мақбара аҳоли томонидан Бастом бобо ёки Султон Боязиднинг қабри деб келинади. Бу ҳар иккала ном эгаси ҳам тарихий шахслар бўлиб, Бастомийнинг асл исми Тайфир бин Исодир. Тасаввуф илмининг пирларидан ҳисобланмиш бу буюк зот милодий 874 йилда Эроннинг Рай шаҳрида туғилиб, умрининг охирида ўша ерда вафот этган. Демак, юқорида тилга олинган мақбара Бастомийники бўлиши эҳтимолдан йироқ. Султон Боязид эса турк ҳукмдори бўлиб, соҳибқирон Амир Темур билан жангда енгилиб асир тушган, лекин Амир Темур унинг иззатини жойига қўйган, кўп ўтмай Султон Боязид касалланиб, ўз юртида вафот этган. Бундан кўринадики, мақбара Султон Боязидники ҳам эмас. У ҳолда нега кўҳна қабристон ушбу номлар билан аталади?

Яқинда Фарғона вилоятидаги бу қабристонни ўрганган шарқшунос олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими Ҳамидхон Исломий бу хусусда шундай дейди:

— Ҳазрат Навоийнинг «Насоим ул-муҳаббат мин шамоил ул-футувват» асарида юздан ортиқ турк машойихларининг ҳаёти ва фаолияти баён этилган. Улар орасида Хожа Боязид шахси ҳақида ҳам анча маълумотлар келтирилади. Жумладан, у ўз замонасида маълум ва машҳур бўлиб, ботиний илмларда юксак камолга эришган. Шуниси эътиборга сазоворки, Амир Темурдай улуғ зот ҳам Хожа Боязидга мурид бўлган. Бу хусусда «Насоим ул-муҳаббат мин шамоил ул-футувват» асарида шундай дейилади: «Хожа Боязид алайҳир-раҳмаҳ. Отанинг яқин авлодидиндур. Темурбек анинг суҳбатиға келибтур. Ва келурда кўнглида кечурубтурки, бу эрнинг маъно оламидан хабари бўлса, бизга иссиқ ҳалво торткай. Ул (яъни, Хожа Боязид) муридларига ҳалво худ (ҳақиқатан) буюрғон экандур. Бек била саломлашиб кўришғондан сўнгра дебтурларки: «Аввалуҳо салом, авсатуҳо таом, охируҳо калом», филҳол ҳалвони торттурубтур. Бекка (Амир Темурга) бу ҳол зоҳир бўлғоч, мурид бўлиб, ланган ясаб (йўловчи қўниб кетадиган жой) кўп ёзқоф қилибдур».

Кўриниб турибдики, машҳур авлиё зиёратига бораётган Соҳибқирон дилидан «Агар бу зот ҳақиқатан ҳам ғайб илмидан хабари бўлса, менинг кўнглимдан кечган истакни англай олиши керак» деган ўй ўтади ва «борганимизда олдимизга иссиқ ҳалво қўйишса», дея истак қилади. Амир Темур шайх ҳузурига борганда худди у ўйлагандек, Хожа Боязид Соҳибқирон олдига иссиқ ҳалво тортади. Шундан сўнг, шайхнинг ғайб илмидан бохабарлигига амин бўлган Амир Темур Хожа Боязидга мурид бўлган, вақф мулклари тайин этган.

Хожа Боязид асли «Туркистон аҳлининг қиблаи дуоси» Султон ул-Орифун Аҳмад Яссавийнинг жияни ҳамда сулукда шогирдлари бўлмиш Иброҳим отанинг ўғли Исмоил ота авлодларидан ҳисобланади. Амир Темурнинг Аҳмад Яссавийга ихлос-эътимоди тарихдан маълум. Демак, Хожа Боязидга мурид бўлиш замирида бу авлодга ҳурмат-эҳтиром ҳам ётади.

Хўш, Амир Темурдай улкан ҳукмдорга пир бўлган Хожа Боязид қаерда яшаган?

Айрим манба ва халқ орасида юрган афсона-ривоятларга кўра, Хожа Боязид Фарғона водийсида яшаб ўтган экан. Шу хусусда таниқли олим, филология фанлари доктори Ёрмат Тожиев бир куни менга: «Бувайда туманида Султон Боязид қабристони бор. Билишимча, Хожа Боязид ўша ерга дафн этилган», деб қолди.

Шундан сўнг Бувайда туманидаги Султон Боязид қабристонига бориб, у ердаги кўҳна мақбарани кўздан кечирдим. Бир пайтлар қабристонни қум босган, у ерлик кексаларнинг айтишича, қум тагидан фақат мақбара гумбазларининг бир қисми чиқиб қолган, холос. Ҳозирда мақбара қумдан тозаланган, айрим белгилари, сақланиб қолган ёзувларига кўра, у тахминан XIV-XV асрларда бунёд этилган. Бу ер катта зиёратгоҳ, хонақоҳ ва масжидлар бўлган жой эканлиги аниқ. Юқоридаги далилларга асосланиб, халқ орасида Бастом бобо мақбараси дея юритиб келинган қадамжо аслида Хожа Боязиднинг қабрларидир, деган хулосага келиш мумкин.

Хожа Боязид ҳазратлари яшаган даврда шу жойдан Буюк ипак йўлининг бир тармоғи — катта карвон йўли ўтган. Бино қолдиқлари, хонақоҳлар бир пайтлар бу ерда улкан бекат, карвонсарой бўлганидан далолат беради. Улар соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлиги даврида қурилган. Мақбара ҳам ўша замонда бунёд этилган.

Кўҳна мақбара тарихи билан боғлиқ ушбу далиллар Фарғона вилояти жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Айни пайтда Хожа Боязид мақбарасини таъмирлаш ва теварак-атрофини ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# «ШАРҚ ГЎЗАЛИ»

Ҳукуматимизнинг спортга бўлган эътибори аёллар спортини ҳам четлаб ўтмади. Қизлар ўртасида ўтказиладиган «Тўмарис», «Барчиной» ўйинлари анъанага айланди. Айниқса, спортнинг бадиий гимнастика турига берилаётган эътибор моҳиятан чуқур маъно касб этади.

Донишмандлардан бири «бизга соғлом оналарни беринг, биз сизга соғлом авлодни тарбиялаб берамиз» деган экан. Шу нуқтаи назардан қараганда, бадиий гимнастикани янада оммавийлаштириш замирида аёллар саломатлигини тиклаш, қизларни соғлом қилиб вояга етказиш ва шу орқали соғлом генофондни шакллантиришдек эзгу ишлар ётибди.

Шундай саъй-ҳаракатларнинг давоми ўлароқ шу йил 28 сентябрь — 2 октябрь кунлари пойтахтимизда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи бўлиб ўтади. «Шарқ гўзали» деб номланган мазкур нуфузли мусобақада йигирма беш давлатдан спортчилар ташриф буюриши кутиляпти. Улар орасида Россия, Венгрия, Япония, Мексика, Словакия каби мамлакатлар терма жамоалари қаторида юртимиз спортчилари ҳам иштирок этади.

Шу боис мусобақани юқори савияда ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида йиғилиш бўлиб ўтди. Шунингдек, спортчиларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, шаҳримиз бўйлаб саёҳат қилдириш ва бошқа ташкилий тадбирлар юзасидан тегишли идоралар вакиллари билан фикр алмашилди.

**Анвар САМАДОВ**

Спорт

# ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

Афинада давом этаётган ёзги олимпиада ўйинлари тобора қизғин паллага кириб бормоқда. Дастлаб дзюдо, сузиш, сувга сакраш, ўқ отиш, стол тенниси, бокс бўйича мусобақалар бошланди.

Шанба куниёқ XXVIII ёзги Олимпия ўйинларининг дастлабки совриндорлари маълум бўлди. Аёллар ўртасида милтиқдан ўқ отиш бўйича хитойлик Ли Ду олтин, россиялик Любов Галкина кумуш, чехиялик Катерина Куркова бронза медали соҳиблари бўлди.

Кейинги олтин медаллар дзюдо бўйича япониялик Тани ва Номура, велоспорт бўйича Беттини (Италия), сузиш бўйича Майкл Фелпс (АҚШ), қиличбозлик бўйича Алдо Монтанога (Италия) насиб этди.

Ҳозирча ўқ отишдан икки олтин, сувга сакрашдан икки олтин, дзюдодан бир олтин ва бир бронза, оғир атлетикадан икки кумуш медални қўлга киритган хитойликлар пешқадам бўлиб турибди. Тўрт олтин, бир кумуш, уч бронза медали билан Австралия иккинчи, тўрт олтин ва бир кумуш медаль билан японияликлар учинчи поғонани банд этиб туришибди. Шунингдек, Италия, Туркия, Россия, АҚШ спортчилари совриндорлар сафида боришмоқда.

Жамоавий ўйинлар ҳали якунланмаган бўлса-да, кутилмаган натижаларга бой бўлмоқда. Баскетбол бўйича энг кучли жамоа саналган АҚШ терма жамоаси Пуэрто-Рико баскетболчиларига 73:92 ҳисобида ютқазиб қўйди. Бунгача америкалик баскетболчилар олимпия ўйинларида бир мартагина мағлубиятга учраган эди.

Футбол бўйича Ироқ терма жамоаси дастлаб португалиялик футболчиларни 4:2, кейин Коста-Рика футболчиларини 2:0 мағлубиятга учратиб, мусобақанинг шов-шувли натижаларидан бирини қайд этди.

Америкалик 47 ёшли теннисчи Мартина Навратилова олимпия ўйинлари тарихида ёши энг улуғ спортчи сифатида рекорд ўрнатди. У 1924 йилги олимпиадада 46 ёшда иштирок этган австралиялик Норман Брукснинг натижасини янгилади.

УВАЖАЕМЫЕ ЖИТЕЛИ И ГОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН!

С 5-ГО СЕНТЯБРЯ ПО 3 НОЯБРЯ 2004 Г., ОДИН РАЗ В НЕДЕЛЮ, ОТПРАВЛЕНИЕМ ПО СРЕДАМ ОРГАНИЗОВАНО КУРСИРОВАНИЕ ПАССАЖИРСКОГО ПОЕЗДА 485 СООБЩЕНИЕМ «ТАШКЕНТ — ЧЕЛЯБИНСК — ТАШКЕНТ».

Билеты на данный поезд
Вы можете приобрести в билетных кассах
ОАО «Узжелдорпасс» ГАЖК
«Ўзбекистон темир йўллари»,
за 20 суток до отправления поезда.
Предоставляются скидки на групповые заявки.

Администрация ОАО «Узжелдорпасс».
Справки по тел. 199-76-27
Услуги лицензированы.

УВАЖАЕМЫЕ ДАМЫ И ГОСПОДА!

На основании Постановления № 185 от 17.04.03 г.
Кабинета Министров Республики Узбекистан
в целях приватизации государственной собственности производится реализация гостиничного комплекса «Локомотив», расположенного на привокзальной площади Северного вокзала города Ташкента.

*Гостиничный комплекс имеет: подвальное помещение, восемь рабочих этажей, технический этаж, чердачное помещение, одноэтажное строение, количество номеров — 91, количество мест — 180.*

Общая площадь здания более 6000 кв.м.
Всем предприятиям и физическим лицам желающих приобрести или принять долевое участие в её приобретении,
просим обращаться по телефонам: 199-75-09, 199-74-94.
WWW.makler.uz

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot
133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat
133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib
133-72-83
Reklama va e`lonlar
133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 961
7748 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.00.
Topshirish vaqti —
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA